

Сурхондарёда ҳарбий хизматчиларга янги хонадонлар калитлари топширилди



Очилиш маросимида Жанубий оператив қўмандонлиги бошлиғи полковник П.Сативалдиев, вилоят хокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этишди.

Мехмонлар янги хонадонларга эга бўлган ҳарбий хизматчилар уйларига кириб, шароитлар билан танишди. Замонавий лойиҳалар асосида қурилган, икки ва уч хонадан иборат бўлган бу уйларда ҳарбий хизматчиларнинг фаровон турмуш кечириши учун барча қулайликлар яратилгани эътироф этилди.